

62. Мусталаҳул ҳадис китоби



12:31 / 23.03.2011 4058

Мусталаҳул ҳадис китоби

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб «Мусталаҳул ҳадис» деб номланган китоблари **тез кунда** нашр этилади.

«Мусталаҳул ҳадис» шундай илмки, унда ҳадисни қабул қилиш ёки рад этиш учун матн ва санаднинг аҳволларини текширишни ўргатадиган қоида ва усуллар ўрганилади».

«Мусталаҳул ҳадис» илми бир неча усул ва қоидаларни ўргатадиган илмдир. Ана шу усул ва қоидаларни ўрганган одам ҳадиснинг матнини, санадини ва уларнинг аҳволларини ўрганиш имконига эга бўлади. Маълум ҳадиснинг санадида нима гап бор? У қабулга ярайдими ёки ярамайдими? Яраса, қайси даражада ярайди? Ўша ҳадиснинг матнида нима гаплар бор?

У яроқлими ёки яроқсизми? Яроқли бўлса, нима учун яроқли? Хатоси ёки нуқсонли бўлса, нима учун хатоли ёки нуқсонли? Қисқаси, ушбу илмда «Бу ҳадисни қабул қиламиз ёки қабул қилмаймиз» дея олишга етадиган нарсалар, усул ва қоидалар ўрганилади.

«Мусталаҳул ҳадис» илмида ҳар бир ҳадисни қабул қилиш ёки қилмаслик ҳақида ҳукм чиқаришдан олдин унинг санади, яъни ҳадисни ривоят қилувчи шахслар бирма-бир ўрганиб чиқилади. Уларнинг ривоятларининг турлари, ривоятлар узилмай келганми ёки узилиб қолганми, қайси лафзлар билан ривоят қилинган ва шунга ўхшаш кўп жиҳатлари ўрганилади.

Ҳадиснинг санади ўрганиб бўлинганидан сўнг, унинг матнини ҳам ўрганиш бошланади. Ундаги нуқсонлар ҳам ўзига яраша қоидалар асосида ахтарилади. Олиб борилган изланишлар натижасига қараб, ҳадисни қабул қилиш ёки қилмаслик ҳақида ҳукм чиқарилади.

Бу илмнинг фойдаси ҳадисларнинг саҳиҳини саҳиҳ эмасларидан ажратиб беришдир. Маълумки, ҳадис дийний ҳужжат сифатида Қуръондан кейин иккинчи ўринда турадиган манбаъдир. Аммо бу савиядаги далил бўлиши учун ҳадис маълум даражада кучли бўлиши шарт.

Турли сабабларга кўра, ҳадислар аралаш бўлиб кетган. Уларнинг саҳиҳларини, ҳужжат ва далил бўлиш кучига эгаларини ва саҳиҳ эмасларини ажратиш учун алоҳида илм зарур бўлади. Ана шу илм «Мусталаҳул ҳадис» илмидир. Айнан шу илм асосида уламоларимиз қадимда ҳадисларни саралаб чиққанлар. Ҳозирда эса уларнинг қилган ишларини қайта кўриб чиқиш учун эмас, балки тушуниб етиш учун «Мусталаҳул ҳадис» илми ўрганилади.

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Номи: «Мусталаҳул ҳадис»

Нашриёт: «Шарқ» НМАК

Сана: 2011

Ҳажми: 376 бет

ISBN:

Ўлчами: 84×108/32

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг тавсияси ила чоп этилган

Китобда қуйидаги масалаларга оид маълумотлар ўрин олган:

Мундарижа

Муқаддима

«Мусталаҳул ҳадис» илми тарихи

«Мусталаҳул ҳадис» илмидаги янгилиниш

Биздаги ҳолат

«Мусталаҳул ҳадис» илмига оид дастлабки таърифлар

Биринчи боб Хабар

Биринчи фасл Хабарнинг бизгача етиб келиши жиҳатидан тақсимланиши

Жумҳурнинг йўли

Биринчи баҳс Мутавотир хабар

Иккинчи баҳс Оҳод хабарлар

Ҳанафийларнинг йўли

Иккинчи фасл Оҳод хабарнинг тақсимлари

Биринчи баҳс Оҳод хабарнинг йўллари сонига

нисбатан тақсими

Биринчи қисм Машҳур

Иккинчи қисм Азиз

Учинчи қисм Ғарийб

Иккинчи баҳс Оҳод хабарнинг қуввати ва заифлигига қараб тақсимланиши

Биринчи қисм Мақбул хабар

Биринчи мақсад Мақбул хабарнинг қисмлари

Саҳиҳ

Саҳиҳ лифойриҳи

Имом Бухорий ва у кишининг «Саҳиҳ»лари

Имом Муслим ва у кишининг «Саҳиҳ»лари

Имом Абу Довуд ва у кишининг «Сунан»лари

Имом Термизий ва у кишининг «Сунан»лари

Имом Насайй ва у кишининг «Сунан»лари

Имом Ибн Можжа ва у кишининг «Сунан»лари

Имом Молик ва у кишининг «Муватто»лари

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва у кишининг «муснад»лари

Имом Доримий ва у кишининг «Снан»лари

Имом Ҳоким ва у кишининг «Мустадрок»лари

Ибн Хузайма ва у кишининг «Саҳиҳ»лари

Дорақутний ва у кишининг «Сунан»лари

Ибн Ҳиббон ва у кишининг «Саҳиҳ»лари

Ҳасан ҳадис

Ҳасан лифойриҳи

Иккинчи мақсад Мақбул хабарнинг амал қилинадиган ва амал

қилинмайдиганга тақсимланиши

1. Муҳкам ва мухталифул ҳадис

2. Ҳадиснинг носих ва мансухи

Иккинчи қисм Мардуд хабар

Мардуд хабар ва унинг рад қилиниши сабаблари

Биринчи мақсад Заиф

Иккинчи мақсад Санаддаги тушиб қолиш

сабабли мардуд бўлган хабар

Зоҳир тушишнинг турлари

1. Муаллақ

Мурсал ҳадис

Мўъзал ҳадис

Мунқотеъ ҳадис

«Махфий тушиб қолиш»нинг турлари

Мудаллас ҳадис

Махфий мурсал

Мунқотеъ ҳадисга қўшиладиганлар

Муъанъан, Муаннан

Учинчи мақсад

Ровийга етган таъна сабабидан рад қилинган хабар

Мавзуъ

Матрук

Мункар

Маъруф

Шозз ва Маҳфуз ҳадислар

Муъаллал

Ишончли ровийларга хилоф қилиш

(1) Мудраж

(2) Мақлуб ҳадис

(3) «Ал-Мазийду фий муттасилил асанийд» – ораси кесилмаган

иснодлардаги зиёда

(4) Музториб ҳадис

(5) Мусаҳҳаф

Ровийни танимаслик

Бидъат

Суъул ҳифз

Учинчи фасл Қабул ва рад қилиниши эҳтимоли бор бўлган оход хабарлар

ҳақида

Биринчи баҳс Хабарнинг иснод берилган шахсга қараб тақсимланиши

(1) Ҳадиси қудсий

(2) Марфуъ

(3) Мавқуф

(4) Мақтуъ

Иккинчи баҳс Мақбул ва мардуд орасидаги муштарак хабарларнинг бошқа турлари

(1) Муснад

(2) Муттасил

(3) Ишончли ровийларнинг зиёдалари

(4) Эътибор, мутобеъ, шоҳид

Иккинчи боб Ривояти қабул қилинадиган шахсларнинг сифатлари

Биринчи фасл Ровий ва унинг қабул бўлиш шартлари

Иккинчи фасл Жарҳ ва таъдийл китоблари

ҳақида умумий тушунча

Учинчи фасл Жарҳ ва таъдийлнинг мартабалари

Учинчи боб Ривоят, унинг одоблари, уни зобт қилиш кайфияти

Биринчи фасл Ривоятни зобт қилиш кайфияти ва уни таҳаммул қилиш йўллари

Биринчи баҳс Ҳадисни эшитиш ва таҳаммул қилиш кайфияти ва зобт этиш сифати

Иккинчи баҳс Таҳаммул йўллари ва адо қилиш

сийғалари

(1) Шайхнинг лафзидан эшитиш

(2) Шайхнинг ҳузурида қироат қилиш

(3) Ижозат

(4) Муновала

(5) Китоба

(6) Эълум

(7) Васият

(8) Виждада

Учинчи баҳс Ҳадисни ёзиш, зобт қилиш ва бу борада

китоб тасниф қилиш

Тўртинчи баҳс Ҳадис ривоятининг сифати

Ҳадиснинг ғарийби

Иккинчи фасл Ривоят одоблари

Биринчи баҳс Муҳаддиснинг одоблари

Иккинчи баҳс Ҳадис толибининг одоблари

Тўртинчи боб Иснод ва унга боғлиқ нарсалар

Биринчи фасл Исноднинг нозик жойлари

(1) Олий ва нозил иснод

(2) Мусалсал

- (3) Ақобирнинг асоғирдан ривоят қилиши
(Катталарнинг кичиклардан ривояти)
- (4) Оталарнинг болаларидан қилган ривоятлари
- (5) Болаларнинг оталаридан қилган ривоятлари
- (6) Мудаббаж ва ақроннинг ривояти
- (7) Собиқ ва Лоҳиқ

Иккинчи фасл Ровийларнинг маърифати

- (1) Саҳобаларни билиш
 - (2) Тобеъинларни таниш
 - (3) Ака-укалар ва опа-сингилларни билиш
 - (4) Муттафиқ ва муфтарикни билиш
 - (5) Муъталиф ва мухталифни билиш
 - (6) Муташобихни билиш
 - (7) Муҳмални билиш
 - (8) Мубҳамотни билиш
 - (9) Вухдонни билиш
 - (10) Бир неча исм ёки турли сифатлар билан зикр қилинган кишини билиш
 - (11) Исм, куня ва лақаблардан фард (ёлғиз) бўлганларини билиш
 - (12) Кунялари билан машҳур бўлган одамларнинг исмларини билмоқ
 - (13) Лақабларни билиш ҳақидаги илм
 - (14) Отасидан бошқасига нисбат берилганларни билиш
 - (15) Сиртқи маъносига хилоф бўлган насабларни билиш
 - (16) Ровийларнинг тарихларини билиш
 - (17) Сиқолардан ихтилотга дучор бўлганларининг маърифати
 - (18) Уламо ва ровийларнинг табақаларини билиш илми
 - (19) Мавло ровийлар ва уламоларни билиш
 - (20) Ровийлардан қайси бири ишончли-ю, қайси бири заиф эканлигини билиш илми
 - (21) Ровийларнинг ватанлари ва юртларини билиш ҳақидаги маърифат
- Хулоса